Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

2016 ЙИЛ 18 МАЙ, ЧОРШАНБА

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 101 (13.164)

Баҳоси эркин нархда

“БИЗ ЎЗБЕКИСТОНГА ИСТИҚБОЛЛИ БОЗОРЛАРДАН БИРИ СИФАТИДА ҚАРАЙМИЗ”

Нидерландия Ускуна ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ва қадоқловчилари уюшмасида (GMV) Ўзбекистон савдо-иқтисодий ҳамда сармоявий салоҳиятининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Маълумот ўрнида шуни қайд этиш жоизки, мазкур уюшма нафақат Нидерландияда, балки дунё миқёсидаги озиқ-овқат, қайта ишлаш ва қишлоқ хўжалиги саноати учун ускуна-жиҳозлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 62 та етакчи компанияни ўз атрофига бирлаштирган. Унинг таркибига кирувчи компания ҳамда корхоналарнинг айланма маблағи йилига 4 миллиард евродан зиёдни ташкил этгани ҳолда, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган ускуналарнинг 85 фоизи сайёрамизнинг турли мамлакатларига экспорт қилинади.

Мамлакатимизнинг Нидерландиядаги элчихонаси (қароргоҳи Брюсселда) томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг натижалари ҳамда яратилган қулай сармоявий муҳит хусусида атрофлича сўз юритилди. Хусусан, махсус индустриал зоналардаги имкониятлар ва уларда амалга ошириш мумкин бўлган истиқболли лойиҳалар, 2015 — 2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурларининг амалга оширилишини таъминлаш билан боғлиқ маълумотларга алоҳида эътибор қаратилди.

Тақдимот маросимида сўзга чиққан **GMV директори Марсель Ван** Нидерландия компаниялари Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканлигини таъкидлади.

— Яқинда Нидерландия Ускуна ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ва қадоқловчилари уюшмаси президенти Т. Бруинсман бошчилигидаги делегациямиз Ўзбекистонда бўлди, — деди у. — Ташриф доирасида “Ўзбекозиқовқатхолдинг” холдинг компанияси билан Ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланиши баробарида, озиқ-овқат саноати соҳасида республикамиз билан ҳамкорликни ривожлантириш учун улкан имкониятлар мавжудлиги ҳақидаги фикрларимиз янада мустаҳкамланди.

Қувонарлиси, ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги жабҳасида хориж сармояси (Австрия, Германия, Италия, Испания, Хитой, Нидерландия, АҚШ, Швейцария, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатлар) иштирокида тузилган кўплаб корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Ишончим комилки, бир неча йиллардан сўнг бу тармоқ ривожи республикангизга Ғарбий Европага озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллаш имконини беради. Биз ўз кўмагимиз билан мазкур жараённи жадаллаштиришга тайёрмиз.

Паррандачиликка ихтисослаштирилган **“Vencomatic Group” компанияси бош директори Кор ван де Фен** “Жаҳон” ахборот агентлигига берган интервьюсида Ўзбекистон бозори европалик ишлаб чиқарувчилар учун жуда жозибали ва истиқболли эканлигини қайд этаркан, Ўзбекистондаги турдош компаниялар билан ҳамкорлик ўрнатишдан манфаатдорлигини маълум қилди.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда



ЁШЛАР ЭРТАМИЗ ТАЯНЧИ ВА СУЯНЧИ

“Туркистон” саройида “Камолот” ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши ва Халқ таълими бош бошқармаси билан ҳамкорликда Ҳаракат қошидаги “Камалак” болалар ташкилотининг XV анжумани ташкил этилди.



Тошкент шаҳар “Камалак” болалар ташкилотининг “Ватан, дўстлик ва халқпарварлик учун!” шиори остида ўтказилган анжуманда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, пойтахтимиздаги барча умумтаълим мактаб раҳбарлари, маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосарлари, бошланғич ташкилот етакчилари, “Камолот” ва “Камалак” сардорлари, туман сардорлар Кенгаши аъзолари қатнашди.

Мазкур анжуманни ташкил этишдан кўзланган мақсад Ҳаракат қошидаги “Камалак” болалар ташкилоти томонидан амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш, келгусидаги устувор вазифаларни белгилаб олиш, ташкилот сардорларининг билим-кўникмасини ошириш, илғор тажрибаларини оммалаштириш ва қўллаб-қувватлаш, ўқувчи-ёшларнинг ижодий, илмий қизиқишлари ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий фаоллигини янада ошириш, юртимиз ёшлари ўртасида мустаҳкам дўстлик алоқаларини ўрнатиш орқали уларни Ватан равнақи йўлида бирлаштиришдан иборатдир.

Анжуманда “Ҳуқуқий саводхонлик” йўналиши сардори”, “Маънавият ва маърифат” йўналиши сардори”, “Иқтидорли ёшлар” йўналиши сардори”, “Спорт, саломатлик ва экология” йўналиши сардори”, “Меҳр-саховат” йўналиши сардори”, “Матбуот” йўналиши сардори”, “Камалак” сардори”, “Камолот” сардори”, “Энг намунали туман Сардорлар Кенгаши”, “Энг намунали умумий ўрта таълим мактаби бошланғич ташкилоти” ҳамда “Энг намунали туман “Камалак” болалар ташкилоти” номинацияларида ғолибликни қўлга киритган ёшлар “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгашининг диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

— Туманимизда ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида турли танловлар, тадбир, семинар-тренинглар ўтказиб келинмоқда, — дейди “Ҳуқуқий саводхонлик йўналиши сардори” номинацияси ғолиби, Олмазор туманидаги 133-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Шаҳзода Сайфуллаева. — Ўз навбатида ўқувчи-ёшларнинг билимини янада мустаҳкамлашга, Республикамизда қабул қилинаётган Қонунлар моҳиятини тўлиқ англаб етишга хизмат қилмоқда. Келгусидаги режаларим бисёр, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, мустақиллигимиз ва тинчлигимизга раҳна солувчи ҳаракатларга қарши тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишда ҳамда миллий қадрият ва урф-одатларни ёш авлод онгига сингдириш йўлида ўз ҳиссамни қўшиш истагидаман.

Тадбирда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати қошидаги ижтимоий хизматлар ҳамда “Баркамол авлод” болалар бадиий ижодиёт марказлари тўгараклари қатнашчиларининг ижодий кўргазмаси ташкил этилди. Байрамона тарзда ўтган тадбирда эстрада хонандалари ва болалар ижодий жамоаларининг куй-қўшиқлари иштирокчиларга кўтаринки кайфият бағишлади.

Зиёда РАСУЛОВА
Ислом Исмоилов олган суратлар

МАМЛАКАТИМИЗ ЕНГИЛ САНОАТИНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛМОҚДА

“Ўзбекенгилсаноат” акциядорлик жамияти соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш ва ушбу йўналишдаги ўқув муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлашга бағишланган матбуот анжумани ўтказди.

Унда акциядорлик жамиятининг етакчи мутахассислари, тармоқ корхоналари, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти вакиллари иштирок этди.

Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида енгил саноат миллий иқтисодиётимизнинг жадал ривожланаётган тармоқларидан бирига айланди. Айни пайтда енгил саноат тизимида замонавий технологиялар ва ускуналар билан жиҳозланган 300 дан ортиқ корхона фаолият кўрсатмоқда. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, чет эл инвестициясини жалб этишга асосланган ривожланиш стратегияси рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

“Ўзбекенгилсаноат” акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш бош бошқармаси бошлиғи Ш.Султоновнинг таъкидлашича, тармоқ корхоналари бир йилда 490 минг тонна калава ип, 296 миллион квадрат метр мато, 96 минг тонна трикотаж полотноси, 271 миллион дона тикувчилик-трикотаж ва 71 миллион жуфт пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятига эга. Жорий йилнинг дастлабки уч ойида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 18 фоиз ошди.

Жорий йилнинг январь-март ойларида тармоқ корхоналари томонидан 18 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилиб, 178 турдаги енгил саноат товарлари – 3,1 миллион квадрат метр мато, 24 моделдаги 5,8 миллион дона тайёр тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг ўсиши экспорт ҳажмининг кенгайиши билан боғлиқ. Бугунги кунда “Ўзбекенгилсаноат” акциядорлик жамияти корхоналари маҳсулотлари Европа, Осиё, Шимолий ва Жанубий Америкадаги 55 мамлакатга экспорт қилинмоқда. Жорий йилнинг биринчи чораги якунларига кўра, экспорт қилинган маҳсулотлар миқдори 206,1 миллион долларга етди. Бу 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 6,2 фоиз кўпдир. Шу йилнинг охиригача тармоқда экспорт ҳажмини янада кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилади.

Матбуот анжуманида мамлакатимиз енгил саноати ишлаб чиқариш салоҳиятини янада юксалтириш учун кенг имкониятларга эга экани таъкидланди. Юқори малакали кадрлар тайёрлаш дастури бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳар йили “Автоматлаштириш ва бошқарув”, “Тўқимачилик саноати технологияси”, “Пахта саноати технологияси”, “Енгил ва матбаа саноати технологияси” каби йўналишларда 1000 дан ортиқ мутахассис тайёрламоқда.

– Жорий йилда битирувчиларни иш билан таъминлаш мақсадида олий ўқув юртимизда бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди, – дейди Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти проректори А.Гуломов. – Унда тармоқнинг 50 га яқин корхонаси иштирок этди. “Uztex” компаниялар гуруҳи, “Rieter Uzbekistan” хорижий корхонаси, “Алким текстиль”, “Нонна текстиль” каби корхоналар шулар жумласидандир.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти талабалари томонидан инновацион ғоя, технология ва лойиҳаларни ривожлантириш бўйича иш олиб борилаётгани эътиборга лойиқ. Жорий йилги инновацион ярмаркада институт талабалари бешта истиқболли ишланмани тақдим этди.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎзА мухбири

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижонда Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан “Биз – буюк юрт фарзандларимиз!” шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. “Камолот” ЁИҲ марказий кенгаши ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш йўлида яратилаётган кенг шароит ва имкониятлар уларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини юксалтиришда катта аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланди.

● Халқаро музейлар куни муносабати билан Бухорода маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

● Самарқандда халқаро музейлар куни муносабати билан “Музейларда таълим: XXI асрда янги глобал ва миллий стратегиялар” мавзуида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.

● Андижонда “Хонобод таровати” анъанавий ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги, “Камолот” ЁИҲ вилоят кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодни етук инсонлар этиб тарбиялаш, ёшларнинг интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга устувор аҳамият қаратилаётгани таъкидланди.

● Навоийда “Аҳоли орасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш омиллари” мавзусида республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Хотин-қизлар қўмитаси, Бош прокуратура, Ички ишлар, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Жорий йилнинг биринчи чорагида евроҳудудда ялпи ички маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 0,5 фоиз ўсди. Бу борада энг яхши кўрсаткич Германияга тегишли бўлиб, ушбу мамлакат иқтисодиёти 0,7 фоиз ошган. Ички талабнинг кўпайиб бораётгани, Европа марказий банкининг пул сиёсати, қурилиш индустриясига йўналтирилаётган инвестициялар ҳажми ортгани ана шундай ижобий натижага эришилишида муҳим омилга айланди.

● Япониянинг “Honda” компанияси хавфсизлик ёстиқчаларида учраган нуқсонлар туфайли 21 мингта автоуловни қайтариб олади. Аниқланишича, улар йўл ҳаракати ҳодисаси рўй берганда ёки очилмай қолади ёхуд ёрилиб кетиб, ҳайдовчига жароҳат етказади. Ана шундай камчилик боис 2004 йилдан бери саккиз киши ҳаётдан кўз юмган.

● “Microsoft” компанияси мутахассислари ўзига хос жуда фойдали кўйлакни ихтиро қилишди. Мазкур кўйлак инсоннинг юрак уриши, ҳаракатлари, тана ҳароратини ўлчайди, унинг кайфияти ва асаб тизими ҳолатини аниқлаб, ижобий таъсир кўрсатади ва тинчлантиради. Кўйлакдаги махсус қисмлар қон босимини бир маромда сақлаб туриш билан бирга, мусиқа оҳангини ҳам таратади.

“БИЗ ЎЗБЕКИСТОНГА ИСТИҚБОЛЛИ БОЗОРЛАРДАН БИРИ СИФАТИДА ҚАРАЙМИЗ”

(Давоми. Боши 1-бетда)

— 30 йиллик тажрибага эга бўлган “Vencomatic Group” жаҳон бозорида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди, — деди у. — Биз дунёнинг 70 мамлакатига ўз маҳсулотимизни экспорт қиламиз, паррандачилик фабрикаларини замонавий ускуналар билан жиҳозлаймиз. Компаниямиз ўзбекистонлик шериклар билан муносабатларни ривожлантиришдан манфаатдордир. Чунки республикангиз қишлоқ хўжалиги соҳасида салмоқли салоҳиятга эга эканлигини кўриб турибмиз.

Эътиборли жиҳати, мамлакатингиз ҳукумати ҳозирги пайтда иқтисодиёт тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш асосида рақобатдошлик даражасини ошириш сиёсатини изчил олиб бормоқда. Республикангизда аграр секторни ривожлантириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида эса, Ўзбекистон 2020 йилда бошоқли дон етиштиришни 16,4 фоиз ошириб, унинг ҳажмини 8 миллион 500 минг тоннага етказиш, картошка етиштиришни 35 фоиз, сабзавотни 30 фоиз, тухумни 74,5 фоиз кўпайтиришдек эзгу мақсадига эришади, деб ўйлайман.

Ишончим комилки, яқин келажакда юқори сифатли ҳамда рақобатдош қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва ташқи бозорларга етказиб бериш бўйича Ўзбекистон минтақанинг етакчи мамлакатига айланади.

“Geerlofs Refrigeration B.V.” компанияси бошқарувчи директори Рэдбоуд Блом Ўзбекистон ўз компанияси учун Марказий Осиёдаги энг муҳим давлатлардан бири эканлигини айтди.

— Биз республикангиз тадбиркорлари билан кўп йиллик ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик тажрибасига эгамиз, — деди у. — Компаниямиз томонидан ишлаб чиқарилган ва ўрнатилган музлаткич ускуналари Фарғона, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида ишлаб турибди. Қишлоқ хўжалиги, гўшт-сут ва балиқ маҳсулотларининг барча турини сақлаш жараёнини таъминлашдаги ўзаро ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамланишига умид қиламиз. Биз Ўзбекистонга шериклик учун истиқболли бозорлардан бири сифатида қараймиз.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, республикангиз иқтисодиёти ўсишининг эътиборга молик кўрсаткичлари халқаро майдонда кенг эътироф этилмоқда. 2015 йили Ўзбекистон БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)га аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотига сазовор бўлган 14 та давлатдан бири сифатида тан олингани бежиз эмас.

Айниқса, ўтган йили мамлакатингизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 230 та корхона, 77 минг 800 тонна сиғимга эга бўлган 114 та янги совитиш камераси ташкил этилгани ва модернизация қилингани диққатга сазовор. Бундай муваффақиятлар иқтисодий ривожланишнинг барқарор юқори суръатлари таъминланишидан далолатдир.

“Жаҳон” АА.
Нидерландия

МАҲАЛЛА — ҲАЁТИМИЗ КЎЗГУСИ

Юртимизда ҳеч бир давлатда учрамайдиган меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик ўчоғи бўлган – маҳалла бор. Бу маскан ҳар доим инсонларни тинчлик-осойишталик, дўсту биродарлик, аҳиллик ва бирдамликка чорлайди.

Ёшларни маънавий-ахлоқий, ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, миллий-диний анъаналар ҳамда урф-одатларни сақлаш ва ривожлантириш, миллий маънавиятимизга зид бўлган салбий таъсирларнинг олдини олишда маҳаллалар муҳим аҳамият касб этади. Шу боис истиқлол йилларида маҳалла тизимининг фаолият кўламини кенгайтириш, ҳуқуқий мақомини ошириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилди. Маҳаллий ҳокимият органлари зиммасида бўлган кўплаб ваколатлар фуқаролар йиғинлари ихтиёрига берилди.

“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ҳамда “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги қонунлар йиғинларнинг ташкилий асосларини янада мустаҳкамлаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда маҳаллада хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дарҳақиқат, юртимизда маҳалла тузилмаларига жуда катта эътибор қаратилмоқда. Шу боис бугун маҳалла томонидан 30 дан зиёд ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги масалалар ҳал этилиб келинмоқда. Ҳудудлар ободлиги ва фуқароларнинг фаровон турмуш кечиришида маҳалла фуқаролар йиғинининг аҳамияти катта. Бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш, кўламини кенгайтиришда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчиларидан энг аввало билим, ҳаётий тажриба, ташаббускорлик талаб этилади.

Бектемир туманидаги “Бинокор” маҳалласида бўлиб ўтган сайловда сайловчилар ана шундай номзодга овоз беришди. Бугунги кунда мазкур маҳаллада салкам 4 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Ушбу аҳоли орасидан овоз бериш учун ишонч билдирилган 56 нафар вакиллар сайловда иштирок этишди. Уларнинг 70 фоиздан ортиғи бир овоздан Саидакбар Татиловни маҳалла раиси этиб сайлашди. Шу билан бирга маҳалла фуқаролар йиғини раиси маслаҳатчилари лавозимига кўрсатилган 26 номзод орасидан 13 нафари маслаҳатчиликка сайланди.

– Сайлов қонун меъёрлари асосида ўтди, – дейди маҳалла фаоли Озод Акбаров. – Ўйлайманки, ишонч билдириб сайлаган раис ва маслаҳатчиларимиз фуқаролар олдидаги бурч ва вазифаларини чуқур ҳис этган ҳолда иш олиб борадилар. Аҳолининг қонуний манфаатларини ҳимоялашда раис ва маслаҳатчидан алоҳида эътибор ва масъулият талаб этилади. Бугун овоз берган номзодларимиз буни яхши англаган ҳолда иш олиб боришига ишонамиз.

Абдуалим САЛИМОВ

Пойтахтимизда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши, тадбиркор ва ишбилармонлар, ҳамкор ташкилотлар иштирокида “Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳаларининг ички бозорни сифатли кенг истеъмол товарлари билан таъминлашдаги ўрни ва бунда кичик бизнеснинг улуши” мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА

Унда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, саноат тармоқларини модернизациялаш, қулай инвестиция муҳитини яратиш, тизимли равишда маҳаллийлаштириш дастурининг моҳияти, мақсад ва вазифалари, ушбу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни тадбиркорлар, лойиҳа ташаббускорлари ва мутасадди ташкилотларга етказиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2015 йил 11 февралдаги “2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида”ги Қарорига асосан Тошкент шаҳрида 2019 йилгача 77 корхона 155 лойиҳани амалга ошириши белгиланган.

Янги маҳсулотларни маҳаллийлаштириш ва саноат кооперациясини ривожлантириш, йирик ва кичик корхоналар ўртасида ўзаро кооперация алоқаларини амалга оширишда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида тузилган шартномалар ижроси мониторинги юритилмоқда. Жумладан, 2016 йил май ҳолатида партия депутатлик гуруҳлари томонидан 80 дан ортиқ депутатлик сўровлари юборилган, 14 мансабдор шахснинг ахбороти тингланган. Шунингдек, маҳаллийлаштириш дастури ижросини таъминлаш бўйича идоралараро махсус комиссиянинг йиғилишида Тошкент шаҳрида 26 ҳудудий корхонанинг 65 лойиҳасини маҳаллийлаштириш дастурига киритиш маъқулланди.

Тадбирда амалга оширилаётган ишларни янада ривожлантириш борасида бошланган тизимли ислоҳотларни энг аввало саноатда давом эттириш, хусусий мулкчилик, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтиришда депутатлик назоратини йўлга қўйиш, мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам эшитиб бориш юзасидан устувор вазифалар белгилаб олинди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

ЭКОТЕХНОЛОГИЯЛАР СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Тошкент шаҳрида 14 май куни IX Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси доирасида экотехнологиялар бўйича Ўзбекистон – Япония симпозиуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ҳамда Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти томонидан Япониянинг “Honda” фонди ва Япония сиёсий тадқиқотлар миллий институти ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда икки мамлакатнинг иқтисодиёт, машинасозлик, атроф-муҳит муҳофазаси, илм-фан соҳаларида фаолият юритувчи компания ва концернлари раҳбарлари, олимлар, мутахассислар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Ш.Солиҳов, Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ф.Като ва бошқалар Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки мамлакат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Экотехнологиялар – Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан. Бу борада илмий-тадқиқот муассасалари ва олий ўқув юртлари ўртасидаги алоқалар тобора фаоллашмоқда. Япония Таълим, маданият, спорт, фан ва технологиялар вазирлигининг ўқув дастурлари ҳамда “Тараққиётга расмий кўмак” дастури бўйича Ўзбекистондан Кунчиқар мамлакатга талабалар юборилмоқда.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети ҳузурида Ўзбекистон – Япония ёшларининг инновация марказини ташкил этиш ишлари олиб борилаётир. Бу марказ ёш олимларни рағбатлантириш, уларнинг дунёдаги тенгдошлари билан тажриба алмашиши учун катта имконият яратади. Марказ фаолиятини ташкил этиш жараёнига профессор-ўқитувчилар билан бирга ёш олимлар, чет эл олий ўқув юртлари изланувчилари ҳам жалб этилган.

Анжуманда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган экологик ислоҳотлар жараёнида саноат корхоналарини модернизациялаш, ишлаб чиқаришга соф технологияларни татбиқ этишга қаратилаётган доимий эътибор юксак самараларини бераётгани қайд этилди. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, марказлар ёшларнинг изланишларини юзага чиқариш, замонавий ишланмаларни ҳаётга кенг татбиқ этиш, олимларнинг илмий лойиҳаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори бунда муҳим дастуруламал бўлаётир.

– Инсониятнинг барқарор ривожланишига, атроф-муҳит мусаффолигига таҳдид солаётган экологик муаммоларни бартараф этиш йўлида экотехнологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга, – деди ЎзА мухбирига Япониянинг “Honda” фонди президенти Хирото Ишида. – Ўзбекистонда бу борада изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётгани эътиборга сазовор. Мамлакатингиз билан ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлаш, жумладан, экотехнологиялар соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш тарафдоримиз. Мазкур анжуман икки томонлама алоқаларнинг янги қирраларини кашф этиш, фойдали келишувларга эришиш ва ҳамкорликни янада фаоллаштиришга хизмат қилади.

Симпозиум иштирокчилари Ўзбекистонда экотехнологиялар соҳасини ривожлантириш борасида эришилаётган ютуқларни юқори баҳолади. Меҳмонларга мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, уни қайта тиклашни таъминлайдиган инновацион технологияларни ишлаб чиқиш борасида олиб борилаётган ишлар, қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланиш услублари ҳақида маълумот берилди.

– Ўзбекистон – Марказий Осиёдаги етакчи мамлакат, – деди Мэйдзи университети профессори Ёрико Кавагучи (Япония). – Ўзаро ҳамкорлигимиз барча соҳаларда изчил ривожланаётгани қувонарлидир. Экологик муаммоларнинг салбий таъсирини юмшатиш, табиий мувозанатни барқарорлаштириш ва иқлим ўзгаришига сабаб бўлаётган фаолият турларини модернизация қилиш инсоният олдида турган устувор вазифалардандир. Ўзбекистон билан барча йўналишлар қатори бу борадаги ҳамкорлик алоқаларини ҳам янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ниятидамиз.

Экотехнологиялар соҳасини ривожлантиришда дунё тажрибаси, соҳада халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, экология ва ишлаб чиқаришда хавфсиз технологиялардан фойдаланиш усулларини ишлаб чиқиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ иқтисодий ривожланиш жараёнлари, уларнинг ҳуқуқий асослари хусусида фикр алмашилди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ёш мутахассисларни илмий-тадқиқот фаолиятига кенг жалб этиш, уларнинг замонавий техника ва технологияларга бўлган қизиқишини янада кучайтириш, ижодий тафаккур ва яратувчилик салоҳиятини ривожлантиришдек мақсадларга хизмат қилиши таъкидланди.

Тадбирда Ўзбекистон билан Япония ўртасида экотехнологиялар соҳасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи таҳлил қилиниб, уни янада ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди. Технологик эволюция ва иқтисодий ривожланиш, қайта тикланувчи энергия манбаларини татбиқ этишнинг ҳуқуқий тамойиллари, катта шаҳарлардаги сув инфратузилмалари учун экотехнологиялар, атроф-муҳит ва қурилиш соҳаларида замонавий ва ресурстежамкор технологиялар, инсон ва атроф-муҳит билан фан, технология ва иқтисодий ривожланиш уйғунлигига оид маърузалар тингланди.

Нодира МАНЗУРОВА

Тошкент Давлат шарқшунослик институтида “Миллий ва диний бағрикенглик – барқарорлик омили” мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

ЎЗАРО ҲАМЖИҲАТЛИК ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан миллий маданий марказлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир аввалида иштирокчиларга “Биз – сенинг фарзандларингмиз, Ўзбекистон!” шиори остидаги кўргазма намойиш этилди.

Унда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Ш.Турдиқулов, Республика Байналмилал маданият маркази раҳбари Н.Муҳаммадиев, Тошкент Давлат шарқшунослик институти ректори А.Маннонов ва бошқалар мамлакатимизда олиб борилаётган миллатлар ва диний конфессиялар ўртасидаги аҳиллик, дўстлик ва бағрикенглик муҳити, Ўзбекистонда инсон омилига эътибор қаратиш, ёш авлодни соғлом ва баркамол, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини янада юксалтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлаб ўтдилар.

Бугунги кунда мамлакатимизда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ягона ва аҳил оила фарзандларидек яшаб, мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини жадал равнақ топтириш йўлида самарали меҳнат қилмоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатланиши, миллий-маданий марказлар ташкил этилиб, фаолият юритиши, миллатларнинг анъана, урф-одатларига ҳурмат билан қараш ва сақлаб қолишнинг ёрқин белгисидир.

Семинарда Республика Байналмилал маданият маркази раҳбари Н.Муҳаммадиевнинг “Ёш авлод тарбиясида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўрни”, Тошкент Ислом институти ректори У.Ғофуровнинг “Соғлом авлод тарбиясида диний қадриятларнинг ўрни”, “Қудратимиз бирлик ва ҳамжиҳатликда” мавзуларидаги маърузалар, мунозара ва чиқишлар иштирокчилар эътиборига тақдим этилди.



Ислом Исмоилов олган сурат

— Республика Байналмилал маданият маркази “Соғлом она ва бола” йили ҳамда Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб, барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикасида “Ўзбекистон умумий уйимиз!” шиори остидаги дўстлик ва маданият фестивалини ўтказиб келмоқда, — дейди Республика Байналмилал маданият маркази раҳбари Насриддин Муҳаммадиев. — Мазкур фестиваль доирасида пойтахтимизнинг олий ўқув юртларида ҳам тадбирлар ташкил этилмоқда. Бугун ҳаммамиз ягона, аҳил оилада яшамоқдамиз ва ҳар биримиз, миллатимиз ва динимиздан қатъий назар, эл-юртимизнинг гуллаб-яшнашига ўз ҳиссамизни қўшишга интилмоқдамиз. Ватан равнақи йўлида фидокорона ва самарали меҳнат қилиш саховатли заминимизда яшаётган барча миллат вакилларига хос олижаноб фазилатдир. Мустақил Ўзбекистонда турли миллат вакиллари учун миллий маданияти, урф-одатлари ва анъаналарини асраш ва ривожлантириш учун барча шароитлар яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Ҳозирги вақтда дунёнинг узоқ-яқин турли ҳудудларида ташвишли воқеалар юз бераётганига қарамай, бизнинг юртимизда тинчлик-хотиржамлик ҳукм сурмоқда, — дейди Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг 1-босқич магистранти Барно Дўсматова. — Биз, ёшларга илм олишимиз, касб-ҳунар эгаллашимиз учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бундан ташқари бошқа давлатларга бориб таълим олиш имконига ҳам эгамиз. Буларнинг барини қадрига етишимиз лозим. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки юртимиздаги тинчлик, осойишталик туфайли мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек, тенг ҳуқуқлилик ҳамда ўзаро ҳамжиҳатлик шароитида яшаб, Ватанимизни янада равнақ топтириш йўлида меҳнат қилиб келишмоқда.

Семинар якунида эл севган санъаткорлар ва миллий-маданий марказлар бадиий жамоалари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар, жозибали рақслар тадбирга ўзгача шукуҳ бағишлади.

Зарина РУСТАМОВА

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

ОИЛАНИНГ ОЛТИН ҚЎРҒОНИ

Оила — жамият таянчи. Юртбошимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидлаганларидек, "Оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор".



Дарҳақиқат, халқимиз азалдан оилага муқаддас қадрият сифатида қараб келган. Ишимиздаги унум, барака, оқилу доно фарзандлар камоли, соғлом ва узоқ умр кўриш сиру синоати ҳам оиламиз тинчлиги-тотувлиги, меҳр-оқибатга бевосита боғлиқ. Шунинг учун ҳам оила мустаҳкамлиги масаласига давлат миқёсида эътибор қаратилмоқда.

Куни кеча Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси ва "Халқаро оила куни" муносабати билан "Оиланинг олтин қўрғони" шиори остида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир айнан юқорида айтилган фикрларга ҳамоҳанг бўлди десак асло муболаға бўлмайди.

Чилонзор туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси, "Камолот" ЁИҲ туман Кенгаши, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, F.Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи ва бошқа қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу тадбирда иштирокчилар ва томошабинлар бир олам завқу шавқ ва катта таассурот олдилар.

Айниқса тадбир дастуридан ўрин олган маҳаллада истиқомат қилаётган ёши улуғ онахонларнинг жонли ижродаги "Алла" қўшиқлари, таълим муассасалари ёшларининг "Миллий либослар намойиши" ва миллий қадриятлар, анъана ва урф-одатлар, 50 йил бирга турмуш кўрган ибратли оилалар ҳамда қайноналар иштирокидаги келинчаклар билан давра суҳбатлари, "Ораста қизлар" тўгараклари фаолиятининг намойиши, ҳунарманд, тадбиркор аёллар уюшмаси томонидан уюштирилган кўргазма ва спорт ўйинлари барчага манзур бўлди.

Тадбир давомида эл ардоғидаги санъаткорларнинг чиқишлари, чиройли байрам дастури, куй ва қўшиқлар иштирокчиларга янада хуш кайфият бағишлади.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТДА: "Оиланинг олтин кўрғони" тадбиридан лавҳа

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳузуридаги чет тилларни ривожлантириш ва оммавийлаштириш марказида кўрик-танлов ўтказилди.

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР КЕНГ ЎРГАНИЛМОҚДА

Унда мазкур марказ тўгаракларида иштирок этиб келаётган ёшлардан иборат тўққиз жамоа ўзаро баҳслашди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ мамлакатимиз ёшлари хорижий тилларни кенг ўрганмоқда.

Танловда ёшлар "Менинг жаннатмонанд юртим – менинг фахрим", "Менинг севимли институтим – менинг ифтихорим" мавзуларида мустақиллик берган улкан имкониятлар, ёшлар учун яратилган шароитлар ҳақида чет тилларда сўзлади.

– Марказимизда кутубхона фойдаланувчилари 7 хорижий тилни ўрганмоқда, – дейди марказ раҳбари Мирахмаджон Рихсибоев. – Аъзоларимиз тобора кўпайиб, элликдан ортиқ гуруҳ фаолият юритмоқда. Улар асосан умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларидир. Бугунги танлов тингловчиларимиз билимини мустаҳкамлаш, уларнинг чет тилларни ўрганишга қизиқишини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Танловда халқимизнинг бой маънавий мероси, мақол ва маталларидан унумли фойдаланилди. Миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз саҳна кўринишлари орқали намойиш этилди.

(ЎзА)

Диққат, танлов!

"ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЁШ МУТАХАССИСИ" ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши Савдо-саноат палатаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Фанлар академияси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан ҳамкорликда ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишига бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёш мутахассисларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, ёш авлод вакилларида Ватан туйғуси ва мамлакатда рўй бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини оширишга кўмаклашиш мақсадида "Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси" танловини ўтказади.

"Энг фаол ёш авиаходим", "Энг фаол ёш банк ходими", "Энг фаол ёш геолог", "Энг фаол ёш дастурчи", "Энг фаол ёш кимёгар", "Энг фаол ёш кончи", "Энг фаол ёш металлург", "Энг фаол ёш озиқ-овқат саноати ходими", "Энг фаол ёш олим", "Энг фаол ёш спорт мураббийи", "Энг фаол ёш темирйўлчи", "Энг фаол ёш транспортчи", "Энг фаол ёш шифокор", "Энг фаол ёш энергетик" номинациялари бўйича ўтказиладиган танловда иштирок этиш учун касаба уюшмасига аъзо турли соҳаларда фаолият юритаётган 35 ёшгача бўлган фаол ёш мутахассислар таклиф этилади.

Танловда қатнашиш учун танлов номинацияси номи кўрсатилган ҳолда талабгор ўзи меҳнат қилаётган корхона касаба уюшмаси қўмитасига қуйидагиларни тақдим қилади:

- иш фаолиятига оид ва эришган ютуқларини акс эттирувчи, тегишли ташкилот раҳбари томонидан имзоланган тавсифий тавсиянома;
- маълумотнома-объективка;
- паспорт нусхаси;
- 2 та (3,5х4,5) оқ фондаги рангли фотосурат (электрон нусхаси билан бирга);
- ўз меҳнат фаолиятида эришган ютуқларини тасдиқловчи ва акс эттирувчи ҳужжатлар;
- мутахассиснинг манзили, уй ва иш телефонлари;
- қўшимча равишда, ижодий, бадиий ва илмий ишларининг нусхалари, янги ишланма ва лойиҳалари, лойиҳани татбиқ қилиш механизми ва унинг самарадорлиги ҳақида маълумотлар, оммавий ахборот воситаларида ўз соҳасига оид мавзуларда чоп этилган мақолалари, ижтимоий-сиёсий фаоллиги, маънавий етуклиги, жамоат ишларида фаол иштироки тўғрисидаги тавсиялар тақдим этилиши мумкин.

Асосий мукофот

"Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси" танлови ғолиблари орасидан сараланган мутахассис, яъни янги ишланма ва лойиҳаларига эга бўлган, лойиҳаси самарадорлиги натижасида республика иқтисодиётига ҳисса қўшиладиган, ижтимоий-сиёсий фаол бир нафар ёш мутахассис касаба уюшмаларининг гранти билан тақдирланади.

Танловда ҳар бир йўналиш бўйича 1-, 2-, 3-ўринни эгаллаган ғолиблар Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашининг эсдалик совға ҳамда дипломлари билан тақдирланади.

Танлов уч босқичда:

I босқич – 15 май-15 июнь кунлари корхона, ташкилот ва муассасаларда;

II босқич – 15-30 июнь кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида;

III босқич – июль ойида республика-тармоқлар миқёсида ташкил этилади.

Танлов ғолибларига мукофотлар 2016 йил сентябрь ойида ташкил этиладиган "Ёш мутахассислар" IV республика форумида тантанали равишда топширилади.

Танлов мезонлари билан Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг интернет тармоғидаги www.kasaba.uz портали орқали танишиш мумкин.

Танлов тўғрисида маълумотлар Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, Савдо-саноат палатаси ва "Камолот" ЁИҲнинг ҳудудий бўлинмалари орқали берилади.

Қўшимча маълумот учун Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг (+998 71) 252-21-19, 256-76-57, 256-48-81 телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Таълим

НАФОСАТ ГУЛШАНИ

Анъанавий бу галги ойлик тўртта номинация — асфальт майдончада расм солиш, санъат шайдолари, қиз боланинг касби — унинг бахти ва эстафета ўйинлари бўйича уюштирилди.

— Гўзаллик оламига бағишланган саъй-ҳаракатларга "Соғлом она ва бола йили" бўйича кўзда тутилган эзгу ниятларни сингдиришга ҳаракат қилдик, — дейди мактаб директори Саодат Мирзакаримова. — Ғолиблик учун қизғин баҳсга киришган ўғил-қизларнинг ҳаракатларида билимга чанқоқлик билан бир қаторда нафосат оламига ошуфталик борлиги намоён бўлди.

Хусусан, асфальтга чизилган расмларда юрт тинчлиги, бахтли келажак ўз аксини топган. Мустақиллик майдонидаги Она-бола эзгулик тимсолини ифода этишга ҳаракат қилган Нодира Азизова биринчи ўринни эгаллади. Бу ерда ўқитувчи Дилшод Арзиевнинг меҳнатлари зое кетмади. Шунингдек, бошқа номинациялар бўйича ўқитувчилардан Наргиза Мансурова, Сурайё Эргашева, Дилшод Собиров, Ҳуснобод Дадажонова ва Ҳаёт Қосимовлар ҳам ойликни ўтказишга яхши ҳозирлик кўришганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Байрамона ташкил этилган ойлик баҳсларида 7"а"- синфи "Энг яхши ижодкор" номига лойиқ кўрилган бўлса, 7"б" синф қизлари "Энг яхши рақс дастаси" деб олқишланди.

Мафтуна МИНГБОЕВА

ПУХТА АМАЛИЁТ — ТАЖРИБА ВА МАЛАКА АСОСИ

Тошкент политехника касб-ҳунар коллежини ўтган йили битирган Зарнигор Умарова тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқда. У ўқишни тамомлаб, "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат банкининг Миробод тумани филиалидан 10 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олиб, пойабзал дўконини ишга туширди.

Дилафрўз Алиева мазкур коллеж битирувчиси. У кенг ассортиментдаги кийимларни лойиҳалаш ва моделлаштириш йўналишида таҳсил олмоқда. Дилафрўз "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказилган "Менинг бизнес ғоям" танловининг Тошкент шаҳар босқичида фаол иштирок этиб, мамлакат босқичига йўлланма олди.

– Танлов доирасида ташкил этилган ўқув-семинарда ўз бизнес ғоям билан иштирок этдим, – дейди Д.Алиева. – Келажакда тикув цехи очиб тадбиркорлик фаолиятимни бошламоқчиман. Семинарларда банклардан имтиёзли кредит олиш тартиби, ёш тадбиркорларга берилаётган қулайликлар ҳақидаги кўникмаларга эга бўлдим.

Тошкент политехника касб-ҳунар коллежида 1164 ўқувчи таҳсил олади. Мазкур билим масканида барча жиҳозлар билан таъминланган махсус фан хоналари, ишлаб чиқариш устахоналари, иккита лаборатория, замонавий компьютер хонаси, спорт зали, ахборот-ресурс маркази ёшлар ихтиёрида. Фанлар бўйича ташкил этилган тўгараклар ўқувчиларнинг билим ва салоҳиятини оширишга кўмаклашмоқда.

Коллежда ёшларга молия, бухгалтерия ҳисоби, реклама мутахассислиги, автотранспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш, қўриқлаш-ёнғин алоқаси ва сигнализация тармоқларидан фойдаланиш, кенг ассортиментдаги кийимларни лойиҳалаш ва моделлаштириш каби йўналишларда таълим берилади. Мутахассисларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, ошпазлик, электр жиҳозлари ва тармоқлари монтажи йўналишлари ҳам очилди.

Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини сифатли ташкил этиш ва келгусида уларни иш билан таъминлаш мақсадида "Nefis Collection", "YU-Teks", "Ҳимоякийим", "Artprint Textile" масъулияти чекланган жамиятлари, "Электроаппарат-электрошит" қўшма корхонаси, "Тошиссиққуввати" ишлаб чиқариш бирлашмаси унитар корхонаси сингари қатор ташкилот ва корхоналар ҳамда кичик бизнес субъектлари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган.

– Катта ҳаётга қадам қўяётган ҳар бир ёшнинг дунёқараши қандай шаклланиши, касб-ҳунар маҳорати, давлат ва жамият олдидаги масъулиятини ҳис этиши бугунги таълим-тарбияга, уларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликка боғлиқ, – дейди коллеж директори Дилноза Расулова. – Таълим соҳасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш амалиётининг кенг татбиқ этилаётгани таълим-тарбия жараёнидаги ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Ўтган ўқув йилида мазкур коллежни 396 ўқувчи битирган бўлса, шундан 326 нафари иш билан таъминланди. Саккиз нафари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқда. 34 нафари олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттирмоқда. Жорий йилда битираётган 368 ўқувчининг 92 фоизи турли корхоналар билан тўрт томонлама шартнома имзолаган. Тўрт нафар битирувчи тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ниятида.

Дарҳақиқат, касб-ҳунар коллежларининг ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган изчил ишлар меҳнат бозори учун зарур мутахассис кадрлар етказиб бериш ва ёшларни эгаллаган касби бўйича иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎзА мухбири

ДАРДГА МАЛҲАМ ҲАМШИРАЛАР

Республика кўз касалликлари шифохонасида Халқаро ҳамширалар куни муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда олий маълумотли шифокорлар билан бир қаторда ҳамшираларнинг хизмати ҳам алоҳида эканлигини эътироф этишди.



Козим Ўлмасов олган сурат

Клиникада асосан инсонларга кўз нурини ато этадиган тиббиёт ходимлари, ҳамширалар меҳнат қилади. Бугунги кунда клиникада беморларга ва ходимларга қулай шароитлар яратилмоқда. Айни кунларда "Эътиқод" хусусий корхонаси ҳомийлигида болалар бўлимида таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

— Клиникамизда 83 та ўрта тиббиёт ходимлари меҳнат қилади, — дейди бош ҳамшира Адиба Зокирова, — уларнинг 30 нафари олий тоифали ҳамшира, ҳар бир ходим масъулиятни ҳис қилган ҳолда иш олиб боради. Зуҳра Мирҳожиева, Наргиза Зокирова, Умида Қодирова, Мадина Абдуллаеваларни ўз ишининг устаси, деб айтса бўлади.

Байрамга ташриф буюрган Ўзбекистон Миллий академик драма театри актёрлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Маҳмуд Исмоилов, Шоҳида Исмоилова ҳамда Ҳожиакбар Комиловлар тиббиёт ходимлари шаънига илиқ фикрлар билдириб, даврага аъло кайфият бахш этдилар.

Тадбирда 30 га яқин тиббиёт ходимларига ЎзЛиДеПга аъзо бўлганлиги муносабати билан гувоҳномалар топширилди.

— Бугунги кунда ЎзЛиДеП Олмазор тумани бўлимида 3300 дан ортиқ аъзолари бўлиб, 89 та бошланғич партия ташкилотлари фаолият олиб бормоқда, — дейди ЎзЛиДеП Олмазор туман Кенгаши раиси Раъно Ҳожимуҳамедова. — Республика кўз касалликлари клиникасида ҳам партиямиз аъзолари талайгина. Бугунги байрам муносабати билан хизматда фаол тиббиёт ходимларини тақдирладик.

Олмазор тумани маданият ва спорт бўлимидан ташриф буюрган санъаткорлар ўзларининг куй-қўшиқлари билан тадбирга алоҳида файз киритишди.

З. ШАРИФЖОНОВ

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚҚ Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан 2016 йилнинг 22-23 май кунлари соат 09:00 дан 17:00 гача "Бўш (вакант) иш ўринлари ярмаркаси" ўтказилади.

Ярмаркада 400 га яқин корхона ва ташкилотлар ўзларининг 5000 дан ортиқ бўш (вакант) иш ўринлари билан қатнашади.

Бундан ташқари, тадбирда иштирок этадиган кўплаб тижорат банклари ўз бизнесини бошлаш истагида бўлганларга имтиёзли кредитлар бериш бўйича содда ва қулай бизнес режаларини таклиф этади.

Марҳамат, ярмаркада иштирок этинг ва ўзингиз учун муносиб ишни танланг ҳамда яратилган имкониятлардан фойдаланинг.

Қўшимча маълумотларни mehnat.uz сайтидан ва қуйидаги телефон рақамлари орқали олишингиз мумкин.
(0 371) 239-13-61 ва (0 371) 254-11-03

МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР ДЎСТОНА РИШТАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ



Темур Мирадамиров олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида маданий анъаналар ва миллий таомлар фестивали бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари Д.Ҳакимов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча давлатлар билан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар йўналишдаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимиздаги элчихоналар ўртасида мунтазам ўтказиб келинаётган турли маданий-маърифий тадбирлар, анжуман ва фестивалларҳамкор давлатлар билан ўзаро муносабатларни янада равнақ топтиришга хизмат қилаётир. Бунда юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, дунё халқлари билан тотувлик ва ҳамжиҳатлик муҳити муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Фестивалда Хитой, АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Италия, Швейцария, Польша, Болгария, Словакия, Чехия, Латвия, Россия, Япония, Озарбайжон, Украина, Саудия Арабистони, Миср, Умон, Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Туркманистон, Тожикистон, Малайзия, Индонезия, Жазоир, Қувайт, Туркия, Иордания, Вьетнам, Қозоғистон, Афғонистон каби мамлакатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

– Дунё халқларининг бетакрор урф-одатлари намойишига айланган ушбу фестиваль Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар, хусусан, Италия билан маданий алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётир, – дейди ЎзА мухбирига Италиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Риккардо Манара. – Ушбу тадбир турли халқларнинг миллий таомлари билан танишиш, қадимий анъаналар жозибасидан завқланиш имконини беради. Бугунги кунда Ўзбекистон билан Италия ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик кўплаб йўналишларда, жумладан, тўқимачилик, мода ва дизайн соҳаларида ҳам изчил ривожланиб бораётгани ғоят қувонарли. Бой тарих ва бетакрор маданиятга эга Ўзбекистон сайёҳлик борасида катта салоҳиятга эгадир. Бу борадаги ҳамкорлигимизни ҳам янада ривожлантириш ниятидамиз.

Анжуманда турли мамлакатларнинг ўзига хос маданияти, урф-одатлари, ранг-баранг қадрият ва анъаналари, миллий либослари, лаззатли таомлари, ҳунармандлик ва амалий санъат намуналари намойиш этилди. Мумтоз куй-қўшиқлар, жозибадор рақслар фестиваль меҳмонларига манзур бўлди.

Фестиваль доирасида мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти ҳам намойиш этилди. Тадбир иштирокчилари диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ирода УМАРОВА

Ёшлар ижод саройида эстрада хонандаларининг "Куйла, ёшлигим!" республика танлови ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

МАҲОРАТ МАКТАБИГА АЙЛАНДИ

Мамлакатимизда ёшларнинг салоҳиятини юзага чиқариш, истеъдодини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган ишлар изчил олиб борилмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ ёш авлод учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ёшлар маданият ва санъат маркази томонидан ташкил этилган "Куйла, ёшлигим!" танловидан кўзланган асосий мақсад ёшларнинг эстрада йўналишида ўз маҳоратини намоён этиши учун имконият яратиш, миллий эстрада санъатининг энг яхши анъаналарини оммалаштиришдан иборатдир.

– Мамлакатимизда ёшларнинг мусиқий дидини тўғри йўналтиришга оид кўплаб танловлар ўтказилмоқда, – дейди ЎзА мухбирига Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Козим Қаюмов. – "Куйла, ёшлигим!" ижодий лойиҳаси ҳам бу йўналишда санъатсевар ўғил-қизларга кўрсатилаётган эътиборнинг амалий ифодасидир.

Мазкур ижодий лойиҳанинг илк босқичларида 18-25 ёшгача бўлган мингга яқин ҳаваскор хонанда қатнашди. Уларнинг 48 нафари республика босқичида иштирок этишга муваффақ бўлди. Ёшларнинг ижрочилик ва артистик маҳорати, репертуари, саҳна маданиятига асосий мезон сифатида ёндошилди. Иштирокчилар томонидан ижро этилган миллий ва жаҳон эстрада қўшиқлари маданият ва санъат арбоблари, моҳир санъаткорлар, мусиқачилар томонидан баҳоланди.

– Танлов жараёнида ўзимизга бўлган ишончимиз мустаҳкамланиб, ижодий тажрибамиз янада бойиди, – дейди самарқандлик хонанда Рустам Рустамов. – Ижрочилик, саҳна, томошабин олдидаги юксак масъулиятни дилдан англадик.

Тошкентлик Сардор Турсунов танловда биринчи ўринни қўлга киритди. Самарқанд вилояти вакили Марям Ғафурова иккинчи, қорақалпоғистонлик Турдимурат Тилеумуратов учинчи ўринга сазовор бўлди.

Танлов ғолиб ва совриндорлари иштирокида концерт намойиш этилди.

Н.УСМОНОВА

ХАЛҚИМИЗ ТАРИХИНИНГ БОЙ МЕРОСИ

Музейлар халқимизнинг бой ўтмиши, шонли тарихи ва бугуни ҳақида ҳикоя қилувчи ноёб кўзгудир.

Ўзбекистон Республикасининг "Музейлар тўғрисида"ги қонуни музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва такомиллаштириш, уларда сақланаётган ноёб экспонатларни асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этади.

Пойтахтимиздаги Алоқа тарихи музейи 2009 йил 24 октябрда ташкил этилган бўлиб, у қисқа вақт ичида мамлакатимиздаги энг нуфузли музейлар қаторидан ўрин эгаллади.

Даврийлик нуқтаи назаридан хронологик тартибда жойлаштирилган почта алоқаси, телеграф-телефон алоқаси, радио ва телевидениенинг ривожланиши, мобиль алоқа тараққиёти ва соҳанинг мустақиллик йилларидаги ҳолати акс эттирилган маълумотлар ўрин олган.

Маълумки, телевизорнинг ихтиросига асос бўлган ускуналаридан бири "телефот" Тошкентда ихтиро қилинган. Бу ерда ҳозирги кунда ноёб бўлиб қолган "КВН-49" телевизори, оқ-қора экранли, рангли ва ҳозирги кунда ишлатиладиган замонавий телевизорлар ҳамда тюнерлар қўйилган.

– Музейда мустақиллик йилларида соҳа ривожланишини акс эттирувчи экспонатларга алоҳида ўрин ажратилган, – дейди ЎзА мухбирига музей директори Тоҳиржон Назаржонов. – Мазкур бўлимда мустақиллик йилларида чиққан маркалар коллекцияси, юртимизда дастлабки йиғилган AGAT-9 компьютери, ҳозирги кунда музей ва кутубхоналарда кенг фойдаланилаётган замонавий компьютерлар қўйилган.

Музей ҳар йили янги экспозициялар билан бойитиб борилади.

Ёш авлодни халқимиз тарихи ва буюк аждодларимиз меросига ҳурмат руҳида тарбиялашда музейларнинг роли катта. Алоқа тарихи музейи ҳам ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Азима ҚИЁСОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Олмазор политехника касб-ҳунар коллежи вакант (бўш) бўлган ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига танлов эълон қилади.

Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарининг малака талаблари: академик лицей, касб-ҳунар коллежининг таълим йўналишларидан камида биттаси бўйича ёки умумтаълим фанлари бўйича олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув тарбиявий, ўқув услубий бошқарув фаолияти) иш стажи 5 йилдан кам бўлмаслиги лозим.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:
1. Сўровнома (объективка-справка)
2. Таржимаи ҳол
3. Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси
4. Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари
5. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса)
6. 3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат
7. Паспорт (нусхаси)
8. Тавсифнома
9. Меҳнат дафтарчасидан нусха

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади. Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 1-уй. Телефон: 246-74-16

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95.
Факс: (371) 232-11-39.
Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Спорт янгиликлари

ДУНЁ БАҲОДИРЛАРИ ТОШКЕНТДА БЕЛЛАШДИ

Пойтахтимизда баҳодирлар ўйинлари ва тош кўтариш бўйича жаҳон кубогининг биринчи босқичи бўлиб ўтди.

Халқаро баҳодирлар ўйинлари ва тош кўтариш федерациялари, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Баҳодирлар ўйинлари ва тош кўтариш федерацияси ва қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан ташкил этилган мусобақада Ўзбекистон, АҚШ, Россия, Польша, Венгрия, Украина, Литва, Эстония, Қозоғистон ва Қирғизистондан энг кучли спортчилар баҳслашди.

Мусобақанинг очилишида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга қаратилаётган доимий эътибор самарасида баҳодирлар ўйинлари ва тош кўтариш каби янги спорт турлари ҳам ёшлар орасида жадал оммалашаётгани таъкидланди.

Дунё миқёсида тобора ривожланиб ва оммалашиб бораётган баҳодирлар ўйинлари мусобақаларида полвонлар ўз вазнидан бир неча баробар оғир буюмларни кўтариш, ўрнидан силжитиш, белгиланган масофагача кўтариб бориш каби жисмоний қувват, кучли ирода ва сабр-тоқат талаб қиладиган мураккаб машқларни бажаради.

"Туркистон" саройининг ёзги биносида ташкил этилган баҳодирлар ўйинларида польшалик Матеуш Келишковски биринчи ўринни эгаллади.

– Мусобақа юқори савияда ташкил этилганини таъкидламоқчиман, – дейди ЎзА мухбирига Матеуш Келишковски. – Бу ерда спортчиларнинг машғулот ўтказиши, маданий ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароит яратилгани таҳсинга лойиқ.

Россиялик Михаил Шивляков иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, мамлакатимиз вакили Ҳамза Примов шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

– Мусобақада совриндор бўлганимдан хурсандман, – дейди Ҳ.Примов. – Бундай нуфузли спорт анжуманларида эришаётган ҳар бир ютуғимиз мамлакатимизда спортни ривожлантириш, спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган юксак эътибор самарасидир.

Мусобақа ғолиб ва совриндорлари ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

Б.АЙТМУРОДОВ

...Сунъий қопламали футбол майдончаси болалар билан гавжум. Ёш футболчиларнинг завқ-шавққа тўла ўйини ўтган-кетганнинг ҳавасини келтиради.

ЗАМОНАВИЙ ФУТБОЛ МАЙДОНЧАЛАРИ

Бу пойтахтимизнинг Сергели тумани Наврўз маҳалласида жойлашган сунъий қопламали футбол майдончасидаги одатий ҳол. Мазкур майдонча 2013 йилда барпо этилган. Спорт инвентарлари билан таъминланган.

– Футбол машғулотларига янги қўшилган бола дастлаб тўғри югуриш, чигилёзди машқлари ва тўп билан ишлашни ўрганади, – дейди ЎзА мухбирига мураббий Ҳусниддин Сайдуллаев. – Сўнгра футбол техникаси ва тактикасига оид машғулотларга жалб қилинади. Машғулотлар ҳафтада уч кун, бир ярим соатдан махсус жадвал асосида ўтказилади. Тўгаракка асосан 11-12 ёшдаги болалар жалб этилган. Ҳозирги кунда уларнинг сони ўттиз нафарга етди.

– Бир йилдан буён футбол билан шуғулланаман, – дейди Бобур Мўминов. – Дўстларим билан дарсдан сўнг футбол машғулотларига қатнаймиз. Машғулотлар давомида мураббий берган кўрсатмаларга амал қиламиз. Туманимизда ўтказиладиган мактаб ўқувчилари ўртасидаги футбол мусобақаларида муносиб қатнашиб келяпмиз.

Бу ерда нафақат ёшлар, балки катталар ҳам ишдан сўнг футбол ўйнаб, саломатлигини мустаҳкамлайди.

Мамлакатимизда аҳоли ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Ёшларни спорт машғулотларига қизиқтириш, соғломлаштирувчи жисмоний тарбияга жалб этиш учун барча шарт-шароит яратилмоқда.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида замонавий спорт иншоотларининг барпо этилиши натижасида нафақат болалар спорти, балки аҳолининг барча қатлами ўртасида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчилар сони ортиб бормоқда.

Н.НАСРИЕВ

ҲАВАСКОР ВЕЛОСПОРТЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Тошкентда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан ҳаваскор велоспортчилар ўртасида анъанавий "Касаба-тур" республика веломарафони ўтказилди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида велоспорт ҳам тобора оммалашиб бораётганини таъкидлади.

Соғлом она ва бола йилига бағишланган анъанавий "Касаба-тур" веломарафони уч босқичда ташкил этилиб, уларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги 24 мингга яқин корхона, ташкилот ва муассасада меҳнат қилаётган уч миллион икки юз мингдан зиёд ҳаваскор спортчи қатнашди.

Пойтахтимизда ташкил этилган веломарафонда Шуҳрат Камолов, Алижон Эсонқулов, Абдурасул Назаров, Жамшид Нурмуҳаммедов, Юрий ва Максим Куршинлар, Нафиса Мўминова, Дилбар Муталова, Азиза Каримова, Гулсара Алдашева, Ирина Лукменко, Дилфуза Аллаёрова, Маъмура Жалилова ўз ёш тоифасида шоҳсупага кўтарилди. Шунингдек, веломарафонда турли номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

– Мазкур веломарафон аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда, – дейди Тошкент шаҳридаги 40-умумтаълим мактаби ўқитувчиси М.Жалилова. – Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун кенг имкониятлар яратилаётгани ва йирик мусобақалар ташкил этилаётгани аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлашга, ёшларни ҳар томонлама соғлом этиб вояга етказишга хизмат қилади.

Ғолиб ва совриндорларга диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **19 май** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 13-15, кундузи — 26-28 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **19 май** ва **20 май** эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-1228

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 555

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10290 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 14.20

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ